2006 ЙИЛ, 4 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 237 (10.794)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Сирдарёкитоб» МЧЖ ва вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан Гулистон шаҳрида китоблар ҳамда ўқув қўлланмаларининг кўргазма-ярмаркаси ўтказилди. Бу ерда ўн кун давомида мамлакатимиздаги барча нашриётларнинг босма маҳсулотлари намойиш этилди.

● «Қўқонмаш» корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар тури яна биттага кўпайди — бу ерда «Матиз» автомобиллари учун ойна кўтаргич механизми тайёрлана бошлади. Шуни айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида ушбу корхонада 1 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

● Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг кўчма кубоги учун мини-футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Турнирда «Фарғонателеком» жамоаси ғолиб чикди. Финал босқичига чиққан жамоалар вакилларининг ҳар бирига «Алоқабанк»нинг пластик карточкалари ҳам берилди.

● Урганч шаҳридаги суратлар галереясида қорақалпоғистонлик мўйқалам усталарининг янги асарлари кўргазмаси очилди. Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган мазкур кўргазмада таниқли қорақалпоқ рассомларининг юрт тарихи, буюк бобокалонлар сиймоси, табиат манзаралари ва шу куннинг қаҳрамонлари тасвирланган асарлари намойиш этилмоқда.

● «ВимпелКом» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг шўъба корхонаси бўлмиш «Unitel» МЧЖ «Билайн» тамғаси остида Бухоро ўз савдо идораси орқали тижорат амалиётларини бошлаганини эълон қилди. Вилоятнинг марказида ташкил этилган «Билайн»нинг жануби-ғарбий филиали нафақат бухороликларга, балки навоийлик мижозларга ҳам хизмат кўрсатади.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Бўстон шаҳридаги «Интер Прима» корхонаси Жаҳон Сифат комиссиясининг махсус конференц-форуми қарори билан аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун олтин ҳайкалча, сифат сертификати, корхона раҳбари эса кўкрак нишони билан тақдирланди.

● Қашқадарё вилояти, Касби тумани марказий шифохонасининг «Тез тиббий ёрдам» бўлими олтита «Дамас» русумли транспорт воситалари билан таъминланди.

● Мамлакатимизда амалга оширилаётган Япония ҳукуматининг бегараз ёрдам йўналишидаги кичик миқёсли, жами 625 минг доллар миқдоридаги тўққизта ижтимоий лойиҳаси якунига етди. Мазкур грант маблағлари Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги касалхоналар, мактаб ва ижтимоий объектларни замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлашга қаратилди.

● Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Қумқўрғоннинг «Мирза Олим» фермер хўжалигида қишга дала ишларини намуналарини ташкил этиш, жумладан, ғаллани озиқлантириш, баҳорги экин-тикин юмушларига пухта тайёргарлик кўришга бағишлаб семинар ўтказди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Венесуэлада мамлакат президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Мамлакатда 16 миллион нафар сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаро бўлиб, президентлик учун кураш икки номзод — Уго Чавес ҳамда Мануэл Росалес ўртасида кечди.

● Эстония Президенти Томас Кендрик Ильвес навбатдаги парламент сайловларини 2007 йилнинг 4 мартига белгилади. Президент номзодларга одилона сайлов кампанияси ўтказилишини маслаҳат берди. Давлат раҳбари бу кампанияда ҳуқуқбузарликлар ҳамда сиёсий рақибларни қоралаш бўлмаслиги кераклигини ҳам уқтирди.

● Филиппинда «Дуриан» тайфунининг хуруж қилиши туфайли 406 киши ҳаётдан кўз юмди, тахминан шунча киши бедарак йўқолди. Тайфун 28 мингта уйнинг вайрон бўлишига олиб келди. Ҳозирда «Дуриан» тайфуни Вьетнам мамлакати сари ҳаракатланмоқда.

● Хитойдаги энг бой кишилардан бири — ўтган йили «Форбс» журналида дунё бойлари рўйхатига киритилган Чжоу Имин умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. У молиявий товламачилик билан миллионлаб долларларни ўмарганликда айбдор деб топилди.

● Белоруссия Ички ишлар вазирлигининг юқори технологиялар соҳасидаги жиноятлар билан шуғулланувчи бўлими хорижий банклар ва виртуал дўконлар маблағларини ўзлаштириш билан шуғулланувчи халқаро жиноий гуруҳни фош этди. Жиноятчилар маблағларни асосан АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Россия, Молдова ва Белоруссия банклари, Интернет дўконлари ва фуқароларнинг ҳисоб рақамларидан ноқонуний равишда олишган.

● Руминия пойтахти Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган 9-14 ёшли ёш иқтидорлар танловида ўзларининг ноёб овозларини намойиш этган россиялик опа-сингил Толмачевалар ғолиб чиқишди.

● Японияниng Toshiba компанияси пластик қоғозларга чоп этувчи принтер яратди. Бу қоғозларнинг фойдаланиш муддати чекланмаган ва бир неча юз марталаб ишлатилиши мумкин. Бу янгилик келажакда анъанавий қоғозлар ўрнини босиши мумкин.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 1 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРДИ.

Парламент юқори палатасининг аъзолари ишни «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Киритилаётган қўшимчалар транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланадиган ҳайдовчилар айби билан юз берадиган авария ҳолатларини камайтиришга йўналтирилганлиги қайд этилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар сўнгги йиллар мобайнида иқтисодиётга солиқ юкини изчиллик билан камайтириб бориш, солиқ солиш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштириш, солиқ имтиёзларини оптималлаштириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилганлиги таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш юзасидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам маъқулладилар. Бунда улар киритилаётган ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш имконини беришини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин парламент юқори палатасининг аъзолари «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Уни муҳокама қилиш чоғида Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги ва 2005 йил 23 июндаги «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижро этиш учун ишлаб чиқилганлиги ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти кафолатларини белгилашга, улар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, ижтимоий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳамда давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Сенат аъзолари мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор қонунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Уставига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон

Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Республикамизнинг ушбу халқаро ҳужжатларга қўшилиши Ўзбекистоннинг Умумжаҳон почта иттифоқи (УПИ) ва Халқаро электр алоқаси иттифоқи (ХЭАИ) доирасидаги фаолиятини янада кучайтиришга ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар бу Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига мос эканлигини қайд этдилар.

Сенат аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонунда 25 октябрни Ички ишлар идоралари ходимлари куни деб белгилаш назарда тутилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Б.Мустафоевнинг Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларни ижро этишнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

Адлия органлари қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга ошираётганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу иш доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан прокуратура ва судловни амалга ошириш органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мониторинги амалга оширилди.

Айни вақтда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларни ижро этишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, айрим қонун нормаларини амалга ошириш механизмларидаги камчиликлар, шу жумладан тегишли қонуности ҳужжатлари ўз вақтида қабул қилинмаганлиги туфайли улар ишламаган ва бу ҳол ҳуқуқни қўлловчи органларга мазкур қонунларни ўз билганларича талқин қилиш имконини берган. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар умумий мажбурий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза қилдирмасдан қабул қилган ҳамда уларни Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказмасдан ижро этиш учун юборган ҳоллар мавжуд. Баъзи давлат органлари ва хўжаликни бошқарувчи органларда қонунлар ва қонуности ҳужжатларини тартибга солиш ҳамда назорат нусхаларини юритиш ишларини анча яхшилаш тақазо этилади.

Муҳокама пайтида Сенат аъзолари қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз мулоҳазалари, аниқ таклифларини билдирдилар, Адлия вазирлигининг давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини мониторинг қилиш борасидаги ишларини яхшилашга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқдилар. Сенат ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш масаласини кўриб чиқдилар. Илгари Ўзбекистон Республикасининг адлия вазири бўлиб ишлаган Бўритош Мустафоев Олий суд раиси этиб сайланди.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини ҳам кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини тайинлаш масаласини кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисда Сенат ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Парламент юқори палатасининг саккизинчи ялпи мажлисида ҳаммаси бўлиб 24 та масала кўриб чиқилди, уларни муҳокама қилишда 65 нафар сенатор сўзга чиқди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Темур Қурбонбоев олган сурат.

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Тошкент шаҳар наркологик диспансерида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Уорлд Висион» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилган семинар-тренинг «ОИТС сиз — келажак сари» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза туман ҳокимлиги ва туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида «Ал-Азиз» гузарида ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳрга ташна инсонлар иштирокида саховат акцияси уюштирилди.

● **РЕСПУБЛИКА** ҳамда шаҳар Маънавият тарғибот маркази, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорликларида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» деб номланди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 160-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Биз ОИТСга қаршимиз» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги хотин-қизлар коллежида «Ўсиб келаётган авлодни ОИТСдан асраш» мавзуида ўтказилган танлов Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Қизил Ярим Ой жамиятининг туман Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЎТГАН** куни Ҳамза туманидаги 145-мактабда Халқаро ОИТСга қарши кураш кунига бағишлаб «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши, туман халқ таълими бўлими ва Тошкент шаҳар «Нима, қачон, қаерда?» лигалар ассоциацияси ҳамкорликларида ўтказилган интеллектуал ўйинлар чемпионатида туман мактаблари жамоалари беллашди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Иттифоқ» маҳалла гузарида Юнусобод туман «КРИДИ» — Ногирон аёллар ва болалар жамияти ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида меҳрга ташна болажонлар иштирокида ўтказилган хайрия тадбири Халқаро ногиронлар куни ҳамда Ҳомийлар ва шиофкорлар йили муносабати билан уюштирилди.

● **ЎТГАН** куни Темирйўлчилар маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ҳамкорликларида меҳрга ташна инсонлар иштирокида уюштириладиган хайрия тадбири 3 декабрь — Халқаро ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш куни муносабати билан уюштирилди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги 264-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш чораларига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман бўлими Кенгаши ҳамда университет «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «ОИТС сиз — келажак сари» деб номланди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

МАМЛАКАТИМИЗГА АФҒОНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ РАНГИН ДОДФАР СПАНТА РАСМИЙ ТАШРИФ БУЮРДИ.

1 декабрь куни Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э. Ғаниев ҳамда ташқи ишлар вазири В.Норов билан музокаралар ўтказди.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги икки мамлакат манфаатларига мос ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Икки томонлама савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, мамлакатни қайта тиклаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар дўстона, ҳамфикрлик ва амалий руҳда ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган музокара якунларига кўра, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва Афғонистон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида Меморандум имзоланди. Унда томонлар дўстона ва қўшничилик муносабатларини ҳар томонлама ва изчил ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидладилар. Ҳар икки давлат халқлари туб манфаатларига жавоб берадиган турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўллари ва истиқболларини белгиладилар.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, ташриф доирасида Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов билан учрашуви режалаштирилган. Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон тарихи давлат музейи билан танишади, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилади.

(ЎзА)

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизда барча коммунал хизматлари кўрсатиш, жумладан, соҳага оид туман таъмирлаш ва авария-тиклаш ташкилотлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фонди, ижтимоий объектлар, муҳандислик тармоқларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш борасидаги ишларини мувофиқлаштирувчи махсус маркази доимий фаолият юритади.

Сизнинг таклифларингизни инобатга олган ҳолда ҳамда белгиланган тегишли ишларни ўз вақтида тўлиқ якунлаш, шунингдек аҳолини куз-қиш мавсумида иссиқлик, электр қуввати, ичимлик суви, газ билан мунтазам таъминлаб бориш мақсадида уй-жойлар тасарруфида аниқланган барча камчиликлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ҳузурида янги ташкил этилган ва куну тун фаолият юритувчи диспетчерлик хизматига **0-55 ТЕЛЕФОНИ** орқали мурожаат этишингизни сўраймиз.

Мурожаатларингиз бўйича аниқланган барча камчиликлар юзасидан тезкор чоралар кўрилади.

Ишонамизки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бевосита аҳоли билан бу борадаги ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ишларимизда кутилган натижаларга эришишга асос бўлади.

Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда

БОШ ҚОМУСИМИЗ — БЕБАҲО ҚАДРИЯТИМИЗ

«Оқшом» газеталари, «Тошкент» радиотелеканали ва Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликдаги давра суҳбати

Мамлакатимиз Бош Қомуси — Конституциямиз давлатимиз суверенитетининг ёрқин тимсолидир. Унда миллий мафкурамизнинг ижтимоий-сиёсий, назарий, маънавий, ҳуқуқий асоси ўз аксини топган. Асосий Қонунимизнинг ҳар бир бандида умуминсоний қадриятлар, халқ иродаси, унинг руҳияти, маънавияти, ижтимоий тафаккури ва маданияти ифодаланган. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, Конституциямизнинг бутун мазмун-моҳиятида устуворлик қиладиган асосий масала инсонни олий қадрият, бебаҳо бойлик деб билиб, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, қадр-қимматини биринчи ўринга қўйишдир.

1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши халқимизнинг тақдири, давлатимиз келажаги ҳамда унинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун ҳуқуқий замин яратди. Асосий Қонунимиз мустақиллик маҳсули бўлиб, халқ манфаатлари негизида яратилганлиги боис, у демократик андозаларга тўлиқ мос келади. Бош Қомусимизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари қатнашиб, унинг демократик моҳиятини эътироф этганлар. Бунинг боиси эса Конституциямиз тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида мустаҳкамланганидек, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Шунинг учун ҳам Асосий Қонунимиз қабул қилинган кун халқимиз томонидан муносиб нишонланиб, турли-туман байрам тадбирлари, қизиқарли учрашув ва кечалар ўтказилиб келинади. Хусусан «Оқшом» газеталари таҳририятида Тошкент Давлат юридик институти, «Тошкент» радиотелеканали давлат унитар корхонаси ва газета ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати ҳам «Конституция — бебаҳо қадриятимиз» деб номланди.

Давра суҳбатида Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчи ва магистрлари, талабалар, «Тошкент» радиотелеканали ва «Оқшом» газеталари ходимлари иштирок этдилар. Қуйида қизиқарли фикр-мулоҳазаларга бой, ўринли таклиф ва истаклар баён этилган ушбу давра суҳбатини сиз азиз оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

● Садриддин ХИДИРОВ, «Давлат ҳуқуқи ва бошқарув» кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент:

— Барчамизга маълумки, мустақил Республикамиз ўз тараққиёт йўлини белгилаб олар экан, адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдига пировард мақсад қилиб қўйди. Бу йўлда бугунги кунгача жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Маълумки, адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни Конституция ва қонун устуворлигига эришмай, уларни ҳам ҳужжатларда, ҳам амалда таъминламай туриб қуриб бўлмайди. Аввало, шуни қайд этиш лозимки, Конституция ва қонунлар давлатчиликнинг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикамизда янги давлат қурилиши давлатнинг халқ олдидаги масъулиятини, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари устуворлигига риоя қилиш механизмларини белгилаб бериш, унинг ҳуқуқий асосларини ва қонунчилик пойдеворини яратишдан бошланди. Зеро, қонунчилик жараёни — давлат, жамият ва фуқароларнинг реал ҳаётида рўёбга чиқадиган ҳуқуқ, яъни қонун демакдир. Бу тўғрида Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролар жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади».

Демакки, кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётида юз берган оламшумул ўзгаришлар, чинакам кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловлар натижасида икки палатали парламентнинг шаклланиб фаолият юрита бошлаши, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ва бошқа соҳалардаги маъмурий ислоҳотлар ўз мазмун ва моҳиятига кўра, ижро ҳокимиятининг самарадорлигини тубдан яхшилашни таъминлашга қаратилганлиги билан тавсифланади.

Кейинги йилларда бўлиб ўтган сайловлар жараёнидан маълум бўладики, халқимиз сиёсий қарашларга безътибор эмас экан. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир Фармон ва қарорлар ижроси йўлида изчил иш олиб борилмоқда, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, қонунларимизни пухта билиш, ёш авлод таълим-тарбияси йўналишидаги ислоҳотлар айниқса диққатга сазовордир.

● Ахрор ҲОШИМЖОНОВ, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси:

— Конституциямизда белгилаб берилган эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи бу — ҳар бир инсон туғилиши билан қўлга киритадиган, ҳар ким эркин, ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиши, ўзганинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлигига зиён етмайдиган тарзда юриш-туришни танлаш имконини берувчи ҳуқуқдир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳуқуқ ва эркинликларнинг чегараси борми? Худди шу масалага Асосий Қонунимизнинг 20-моддасида аниқлик киритилиб, унга кўра «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт», деб белгилаб қўйилган. Бундан кўриниб турибдики, инсон манфаатлари ҳар нарсадан устувор ва мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бутун умри давомида давлат ҳимоясидадир. Зеро, жамиятимизда бугун инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

● Ихтиёр БЕКОВ, «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси ўқитувчиси:

—Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади», дейилади. Бунда албатта фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан биридир.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқлари ичида сайлов ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Республикамизда сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, 2-бандига биноан 18 ёшга етган барча Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Республикамизда демократик жараёнларнинг, бу борадаги ислоҳотларнинг қай даражада бораётганлигини 2002 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси референдумида иштирок этиб, ушбу жараённи бевосита кузатган халқаро кузатувчилардан бирининг «Референдум келгусида Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини кучайтиришда ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади» деган мулоҳазаларидан ҳам билиб олсак бўлади. Биргина мисолни айтадиган бўлсак, сўнгги Парламент ва Президент сайловларида ва 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда 90 фоиздан ортиқ сайловчи овоз бериш-деярли барчаси инсон омилига хизмат қилишга қаратилган. Давлатимизда амалга оширилаётган турли соҳалардаги ислоҳотларнинг ҳаммаси ана шу мақсаддан келиб чиқиб амалга оширилаётганлиги бежиз эмас.

● Шавкат АСАДОВ, «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси ўқитувчиси:

—Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишда ва қонун жиҳатидан кафолатлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг аҳамияти бениҳоя катта. Мазкур кодекс инсоннинг шахсий ва шу ўринда барча ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш тизимида ўзига хос жойни эгаллайди. Кодекс бу соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш ва кафолатлаш борасида махсус ҳуқуқий базани белгилаб берган. Буни кодекснинг асосий принципларида кўришимиз мумкин. Масалан, кодекснинг 11-моддаси қонунийлик, 12-моддаси одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилиши, 16-моддаси тенглик, 17-моддаси шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, 18-модда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, 23-моддаси айбсизлик презумпцияси ва бир қатор бошқа инсонпарвар ва демократик принциплари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасига мувофиқ «Жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт. Ҳеч ким суд қарорига асосланмай ёки прокурор санкциясиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас». Бундай одил судловда инсонпарварлик тамойилларининг барчаси Конституциямизга асосан белгилаб берилганлиги билан аҳамиятлидир.

● Нигора АКБАРОВА, 3-курс талабаси:

— Мен бугун «Кучли давлатдан кучли жамият сари» ҳаракатининг мантиқий давоми сифатида қонунчилик ҳокимиятининг ислоҳ қилиниши ва бу жараён билан боғлиқ масалалар хусусида, жумладан парламентаризмнинг шаклланиши ҳамда Сенатнинг ушбу боскичдаги ҳуқуқий табиати тўғрисида фикр билдирмоқчиман.Зеро, Асосий Қонунимизнинг XVIII бобида Олий Мажлиснинг ташкил этилиши борасида Сенат моҳияти хусусида батафсил баён этилган. «Янгисини қурмай туриб эскисини бузма» деган нақлга амал қилиб, парламент ислоҳотлари учун тўлиқ шарт-шароит вужудга келганлиги сабабли, икки палатали парламент тизимига ўтиш ташаббусини Президентимиз қуйидагича таърифлаган эди: «...ҳаёт ўзгариши билан одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир».

Ўтган қисқа вақт мобайнида айнан икки палатали парламент тизимига оид ҳуқуқий асослар яратилди, парламентимиз — Олий Мажлис ўз фаолиятини тўлиқ йўлга қўйди. Бугунги кунда қонунчилик ҳокимияти фаолиятини ўрганишга оид етарли манбалар мавжуд бўлиб, фуқароларимиз сиёсий-ҳуқуқий онгида қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар таҳлили ўз аксини топмоқда.

ТАҲРИРИЯТДАН: Давра суҳбатида шунингдек давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари том маънода таъминланаётгани, янги қоидалар, давлат, жамият ва фуқаролар ўртасида бутунлай бошқа муносабатлар вужудга келгани ҳақидаги фикрлар билдирилди. Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаси қонунийликни таъминлаш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгани борасида ўзаро фикр алмашилди. Мухтасар қилиб айтганда Бош Қомусимизни барча билиши, ўрганиши, унинг нормаларига риоя этиши ва ҳурмат қилиши лозимлиги ҳақидаги фикрлар билан давра суҳбати ниҳоясига етди. Зеро, Конституциямиз моддаларида ўз аксини топганидек, буюк келажак сари интилаётган халқимизнинг орзу-истаги демократик давлатни шакллантириш ва адолатли фуқаролик жамиятини бунёд қилишдан иборатдир.

Давра суҳбатини Шоира МУҲАМЕДОВА ёзиб олди

СУРАТЛАРДА: давра суҳбатидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Металлни занглашдан яхши асрайдиган гальваника ишлаётган одамларнинг соғлиғига анча хавф солиши кўпчиликка маълум. Украина мутахассислари уни экология жиҳатидан тоза технология билан алмаштирдилар. Украина Фанлар академияси ҳузуридаги илмий-техникавий фаолият, тадқиқотлар ва ижтимоий ташаббуслар марказида ҳимоя қопламаларига плазма пуркайдиган қурилма яратилди. Янги усул ҳозирнинг ўзидаёқ 30 та корхонада жорий этилди.

●Дунёдаги энг кичик атом электр станцияси Нью-Мексико штатидаги машҳур Лос-Аламос лабораториясида америкалик олимлар томонидан бунёд этилган. Барча қурилма олти тонна оғирликда бўлиб, айланаси ва баландлиги 2 метргача катталикдаги цилиндр шаклида. Бу электр станция маҳаллий турар жойларни энергия билан таъминлашга мўлжалланган. У 20 йил давомида узлуксиз ишлай олади.

●Олимлар ҳозирга қадар қадимги Македонияннинг энг улкан ва кўҳна даҳмасини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Барча эҳтимолларга кўра, у буюк Искандарнинг бувиси Эвридика Македонскаяга мансуб. Даҳма қурилиши вақти эрамиздан аввалги 330 йилдир. Унда 2 метр баландликдаги подшонинг мармар тахти мавжуд.

●Дунёда энг кичик шаҳар Югославияда жойлашган бўлиб, у Хум деб аталади. Шаҳарда 25 киши яшайди. У ерда ҳафтасига икки марта тушгача ишлайдиган дўкон, иккита черков мавжуд, битта автобус ҳар куни уч марта қатнайди. Икки кўча, кичик ресторан, 16 кўча ёритгичи ва еттитасида доимий одам истиқомат қиладиган 13 та уй мавжуд. Шаҳар илк бор 1102 йилги солномада қайд этилган. У қадимги Рим харобалари ўрнида бунёд бўлиб, энг гуллаб-яшнаган даврда 300 га яқин аҳоли яшаган. Хум шаҳар мақомига XIII асрдан эга.

● Исроил қишлоқ хўжалиги академияси мутахассислари оқ рангли янги зайтун навини етиштиришди. Лойиҳа раҳбарининг айтишича, олимлар муайян даражада зайтунлардаги қора рангли пигмент ўсишини тўхтатиш ва шу тариқа овқатланиш учун ишлатиладиган оқ зайтун навини чиқаришга муваффақ бўлишди. Янги мевалар кичик бўлганлиги сабабли ҳозирги пайтда каттароқ оқ зайтунни етиштириш мақсадида бошқа навлар билан селекция ишлари олиб борилмоқда.

● Энг митти электр моторини бунёд этишга француз Жан Филиппо 1942 йилда муваффақ бўлган. Унинг бўйи 3,5 миллиметр, вазни 0,15 грамм. Мотор бир дақиқада 4 минг мартадан ортиқ ҳаракатланиб, икки вольтли кучланишдангина қувват олади.

● АҚШнинг Питтсбург шаҳри университетида ёрилиш арафасида турган мия томирларини «таъмирлаш» учун пластмасса елим яратилди. Бу ажойиб елим керакли жойга шприц ёрдамида юборилади ва бу тадбир кўп холларда жарроҳлик тиғидан фойдаланишга ҳожат қолдирмайди. Шу мақсадда елимдан фойдаланишга авваллари ҳам уриниб кўрилган. Бироқ унда елим эгилувчан найча ёрдамида киритилган. Бу тадбир эса ниҳоятда мураккаб бўлиб, найча томирнинг барча тармоқларидан ўтиб бориши керак, қолаверса, елимнинг керакли жойга сингишига ишониш ҳам қийин бўлган. Бемор бош суягининг керакли жойида кичкинагина тешик очилади, кейин махсус рентген аппаратининг назорати остида тешикдан ингичка шприц киритилади ва шифобахш елим айнан зарур жойга етказиб берилади.

● Японияда ажойиб открыткалар чиқарила бошланди. Уларга қоғоз қалинлигидаги юпқа электр батарейка қистирилган бўлиб, табрикномани очиш билан ёзилган сўзларнинг порлаб туришини кўриш мумкин. Бундай «қоғоз» батарейкалардан унча кўп электр энергияси талаб қилинмайдиган асбобларда — калькулятор, соат ва фотоаппаратларда фойдаланиш мумкин. Унинг афзаллик томони шундаки, батарейкани хоҳлаган шаклда ўзгартириб тури конструкцияларга мослаш мумкин.

● Ҳеч бир гул турли халқлар адабиёти, тасвирий санъати ва маданиятига атиргул каби кучли таъсир этмаганлиги аниқ. Бироқ қадимги христианлар атиргулни гуноҳкорлик тимсоли деб билганлар. Сабаби, йўқса, шундай кўркам гулларга тиканлар нима учун ато этилган деб ўйлашди. XX асрга келиб, олимлар атиргул мевалари таркибида (барча атиргулдош ўсимликлар каби у ҳам мева қилади) ўрта ҳолдагидан тўрт маротаба кўп С дармондориси мавжудлигини аниқладилар. Бундан ташқари атиргулнинг ёввойи турдоши бўлмиш — наъматак меваси дамламаси ва мойининг шифобахш хусусияти барчага аёндир.

● Олимларнинг мўлжалларига қараганда, 70 йил умр кечирган одам умрининг олти йилини дастурхон устида овқатланиш билан ўтказар экан. 70 йил давомида танавул қилган таомингизни ҳисоблаб чиқилса, емишингизнинг умумий оғирлиги 100 тоннага яқин келар экан.

● 55 яшар эркак одам ўз умрининг 3350 соатини соқол олиш билан ўтказар экан. Агар шу ёшга етгунга қадар соқолингизни ўз эркига қўйиб берсангиз, унинг узунлиги 9 метр бўлиб, белингизга беш марта ўраб юрган бўлар эдингиз.

● Шу кунларда Ғарбий Германиянинг Мосбах шаҳридаги баъзи дарвоза ва деворларда «Эҳтиёт бўлинг, қопоғон ит» деган огоҳлантирувчи ёзувларни кўриш мумкин. Шу шаҳарнинг ресторанларидан бирининг эгаси эса ўз корхонаси пештоқига: «Диққат, тажовузкор хўроз» деб ёзилган лавҳани осиб қўйибди. Бу ҳазил ёки шунчаки ташвиқот учун қилинган эмас. Ҳақиқатан ҳам бу хўроз ресторан ҳовлисига адашиб кириб қолган бир нечта мижозни чўқиб шикастлантирган.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРК, ИРОДАСИ, ҚАДРИЯТЛАРИ ВА ЗАКОВАТИ ИФОДАЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА БУ ЙИЛ 14 ЙИЛ ТЎЛЯПТИ. ШУНИ ТАЪКИДЛАШ КЕРАККИ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҚОНУНИЙ РАМЗИЙ БЎЛГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ УМУМИНСОНИЙ ФОЯЛАР— ТЕНГЛИК, ЭРКИНЛИК, БИРОДАРЛИК, ХАЛҚАРО ВА МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК, БИРДАМЛИК КАБИ ЭНГ УЛУҒ ФОЯЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.

Тадбирлар

ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент Давлат юридик институти, шаҳар Халқ таълими, ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирни Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо кириш сўзи билан очар экан, Асосий Қомусимизнинг муҳим хусусиятлари, мазмун-моҳияти ҳақида гапириб, Конституциямизда халқимизнинг нафақат бугунги хоҳиш-иродаси, балки одил жамият қуриш тўғрисидаги асрий орзу-армонлари ҳам мустаҳкамланганлигини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини,руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Сўнг Собир Раҳимов туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари Ватан, Мустақиллик, Конституциямиз ҳақидаги шеърларни мароқ билан ўқидилар. Шунингдек, тадбирда Тошкент Давлат юридик институтининг биринчи проректори, юридик фанлари номзоди, доцент Даврон Аҳмедов «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг моҳияти», шу институтнинг кафедра мудири, доцент Садриддин Хидиров «Конституцияда шахс ҳуқуқи ва эркинликлари» мавзуидаги маърузалари билан қатнашдилар. ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Одилжон Аширов ҳамда Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицей, Тошкент ҳарбий лицейи, П.Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқувчилари ҳам сўзга чиқиб, Конституциямизда белгилаб берилган қоидаларнинг ҳаётимиздаги акси хусусида фахр билан сўзладилар. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ансамбли солистлари Шерзод Имомбердиев ва Умид Хайдаралиевларнинг Ватанимизни мадҳ этувчи қўшиқлари эса тадбирга ўзгача файз киритди.

Дилором ИКРОМОВА

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНИДАН СЎНГ, ҚОНУН УСТУВОР БЎЛГАН ЖАМИЯТНИ ҚУРИШНИ ЎЗИНИНГ ЭНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ДЕБ БИЛДИ.

Таълим

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Аммо қонунлар ҳар қанча адолатли бўлмасин, агар фуқаролар ўз Конституцион ҳуқуқларини тўғри англамас эканлар, ҳаётлари давомида кўп қийинчиликларга учрашлари тайин. Ўз ҳуқуқини билишни, уни ҳаётга татбиқ этишни аввало ёшликдан ўргатилиб, ўқувчининг ҳуқуқий дунёқарашини шакллантириб боришни бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Айнан шундай мақсадларни кўзлаб, шунингдек, Конституциямиянинг 14 йиллиги муносабати билан Собир Раҳимов туманида жойлашган 1-сонли араб тилига ихтисослашган мактабда ўзбек ва араб тилларида «Ўзбекнинг ғурури тоғлардан баланд!» мавзусидаги тадбир ўтказилди.

Ушбу тадбирга Ўзбекистондаги Миср «Таълим маркази»дан ҳам меҳмонлар таклиф қилинди. Араб тилида куйланган қўшиқлар, ўқилган шеърлар ва рақслар меҳмонларни ғоят хушнуд этди. Тадбир сўнггида «Таълим маркази»дан ташриф буюрганлар мактаб маъмуриятига ва ушбу тадбирда фаол иштирок этган байрам иштирокчиларига ўзларининг эсдалик совғаларини тақдим этдилар. Шу билан бир қаторда араб дўстларимизга мактаб раҳбарияти томонидан ўзбекона миллий либослар совға қилинди. Ўзбекистондаги Миср «Таълим маркази» раҳбарияти келажакда мактаб маъмурияти билан илмий ва маданий алоқаларни мунтазам равишда олиб боришни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ғайрат ҒУЛОМОВ, мактаб етакчиси

ТАДБИРКОР

Қарор ва ижро

МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИЛМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ БИР ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРА БОРИБ, ПОЙТАХТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ СИЁСАТ ТУФАЙЛИ КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ АСОСИДА МУЛКДОРЛАРНИНГ РЕАЛ СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН МУНОСИБ ЗАМИН ЯРАТИЛМОҚДА. БУ ҲАҚДА ТОШКЕНТ ШАҲАР МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ ЎРИНБОСАРИ ПЎЛАТ ЗАРИПОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

—Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, ушбу соҳада барқарор ривожланишга эришмоқдамиз,—деди у суҳбатни бошлар экан.—Бунга пойтахтимизда рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган корхоналар умумий сонининг ошиши, уларнинг ишлаб чиқариш, қурилишдаги улушининг салмоғи, соҳада банд бўлганлар сонининг ортишидаги кўрсаткичлар яққол далилдир.

— Шаҳримизда жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган ва ҳозирда фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар хусусида тўхталсангиз.

— 2006 йилнинг 1 октябрь ҳолатида 27178 та кичик тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан улар 1270 тага ортди. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар 21031 тани ташкил этиб, бу 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 2136 тага кўпдир.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар сонини кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотишда амалий ёрдам бериш, янги цехлар очиш, ҳамкорлар ва буюртмачиларни жалб этишда кўмаклашиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида 3517 та кичик корхоналар қайта ташкил этилди. Ялпи ички маҳсулотда кичик тадбиркорликнинг улуши жорий йилнинг тўққиз ойи якунида 47,1 фоизни ташкил этди. 2006 йилнинг 3 чораги давомида кичик тадбиркорлик корхоналари томонидан 48658,1 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт, 412372,4 минг АҚШ доллари миқдорида импорт операциялари амалда оширилди.

— Тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак кўрсатиш қандай самара бермоқда?

— Жорий йилнинг ўтган уч чорагида имтиёзли кредитлаш ва микрокредитлаш, жумладан, эндигина иш фаолиятини бошлаган тадбиркорларга бошланғич капиталини шакллантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган замонавий технология ва асбоб-ускуналар харид қилиш учун тижорат банкларининг ўз ресурслари ва хорижий кредит тизимлари ҳисобидан уларнинг инвестицион лойиҳаларини узоқ ва ўрта муддатли кредитлашга йўналтирилган маблағлар ҳажми ошиб, жами 86412,3 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Шу жумладан, 1324,8 миллион сўмлик 79 та лойиҳага бюджетдан ташқари фондлардан, 3302,8 миллион сўмлик 83 та лойиҳага тижорат банклари имтиёзли кредитлари ҳисобидан ҳамда 1453,2 миллион сўмлик 190 та лойиҳага микрокредитлар ажратилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан оладиган бўлсак, ажратилган кредит маблағларининг ҳажми 3,2 баробарга ортди.

2006 йилнинг 1 октябрь ҳолатига тадбиркорлик субъектлари 18788,5 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари билан таъминланди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки ажратилган кредитлар ҳисобига 9335 тадан зиёд янги ишчи ўринлари яратилди.

—Тадбиркорлик фаолияти ривожида, албатта, малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, уларга ахборот ва консалтинг хизматларини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга...

—Ана шуни назарда тутган ҳолда соҳа учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида туманлардаги савдо-саноат палаталари қошида аудитор, маслаҳат, реклама ва бошқа керакли хизмат турларини кўрсатувчи 15 га яқин фирмалар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ишсизларни тадбиркорликка ўқитиш, кенг жамоатчилик асосида вақтинча ишламаётган ёшларда тадбиркорлик соҳасига қизиқиш уйғотиш мақсадида барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Туманларда жойлашган Ахборот-маслаҳат марказлари томонидан жорий йил тўққиз ойи мобайнида 2300 дан зиёд тадбиркорлар ўқитилди ва қайта тайёрланди. Шунингдек, бизнес инкубаторлар томонидан 886 нафар бозор инфратузилма ташкилотлари ходимлари ва тадбиркорлик субъектлари ўқуви ташкил этилди. Шу билан биргаликда тадбиркорлик учун ахборот-маслаҳат марказлари томонидан 39,3 миллиярд сўмлик турли консалтинг хизматлари ташкил этилди. Буларнинг барчаси тадбиркорларни нафақат сон, балки сифат жиҳатдан ҳам ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

—Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш борасида қандай ишлар бажарилмоқда?

—Жорий йилнинг ўтган даврида бошқармамиз ва шаҳар Адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, бошқармамиз Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимликлари, прокуратура, солиқ бошқармалари билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ семинар-учрашувлар, йиғилиш, давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказди, 21 марта оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар уюштирди.

Шунингдек, бошқармада доимий фаолияти йўлга қўйилган «Ишонч телефони» орқали 100 га яқин тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари ўрганилди, уларнинг саволларига жавоблар, тегишли маслаҳатлар берилди ва бу иш давом этмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, бошқармамиз томонидан доимий равишда амалдаги қонунчилик асосида кичик ва хусусий бизнес ривожига мансабдор шахсларнинг тўсқинлик қилувчи ҳуқуқбузарлик фактларини аниқлаш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Маҳаллий ҳокимият органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувининг олдини олиш, улар томонидан қабул қилинаётган ва қонунчиликка зид қарор ҳамда фармойишларни ўрганиб чиқиш, хато-камчиликларни бартараф этиш ва таҳлил қилиш бўйича ишчи гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Тадбиркорлардан келиб тушган ариза ва шикоятлар ўз вақтида ўрганилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланяпти.

Ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси иқтисодиётимиз асосини ташкил этувчи, унинг равнақида муносиб улуш қўшувчи, эл-юрт фаровонлигида салмоқли ҳиссага эга бўлиб бораётган тадбиркорликнинг гулаб-яшнашига, мамлакатимизда ишбилармон ва тадбиркорлар сафи кенгайишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу боис ҳам бошқармамиз жамоаси бу борадаги келгуси ишларни ҳам масъулият билан бажаришади.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Султоннинг бу сўзлари хосу оммнинг қулоғига эшитилгач, барча уламо унинг айтганларини қабул этди. Гаплари инобатга олинганидан сўнг, султон амр қилди: «Ҳақиқат шул эркан, аҳли байт[1] номига хутба ўқиб, уларнинг номи зарбланган пуллар чиқариш лозим». Бу гапларни эшитган, кўрган уламо унинг фикрини тасдиқлаб, Оллоҳга иймон келтирдилар ва «Улжойту Султон — дину шариатга ривож берувчи», деб фатво ёздилар.

Саккизинчи юз йилликда чиққан зот динни ривожлантириб равнақка етказувчи Амир Соҳибқирондирки, оламнинг турли мамлакатлари ва шаҳарларида дину шариатни ривожлантирди; саййидлар ва уламони иззату икром қилди. Пайғамбар хонадони зурриётларининг изни ва рухсати билан унинг мулкини ўз тасарруфига киритди..."

Мир Саид Шариф ёзган ушбу мактуб менга етгач, Тангри таолога шукр айтиб, Муҳаммад ва унинг хонадонига илтижо қилиб, Тангри таолога ёлвордим: «Менга дину шариатни ёйиш ва унга ривож беришда мадад бергил!» Сўнг бу мактубни олиб, пиримнинг ҳузурларига юбордим. [Ул зот] мактуб ҳошиясига мана бу сўзларни ёзиб менга қайтардилар: «Дину шариатга ривож берувчи [Амир] Темур Соҳибқиронга, Оллоҳ уни қўлласин, маълум бўлсинким, бу иш ул қутби салтанатга Оллоҳи таоло тарафидан берилган жуда катта эҳсон ва буюк ёрдамдир. Динни ёйиш, шариатга ривож беришдек улкан ишда Тангри таоло сенга ёрдам бағишламиш. [Вафодорлигинг ва яхши ишларингни] қанча кўпайтирсанг, Оллоҳ ҳам сенга [иноят ва карамини] шунча оширгай».

Пиримга юборган ушбу мактуб, унинг хати билан зийнатланиб менга қайтгач, саййидлар ва уламони иззату икром этишни бажо келтириб, шариат ривожи учун илгаригидан ҳам кўпроқ саъй- ҳаракат қилдим. Бу мактубни [бошимдан кечмиш] воқеалар дафтарига[2] ёзишларини буюрдим.

Дину шариат ишлари тузукини тартибга келтирганимдан кейин, салтанатим корхонасининг тузукини тузишга киришдим. Салтанат ишларини қонун ва қоидалар (тўра ва тузук)ка солиб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим. Салтанатим обрў-мартабасини сақлаш тузуклари қуйидагилардир:

Биринчидан, салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдириш асосида тузидим. Салтанатим мартабасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

Иккинчидан, сипоҳу раиятни умид ва кўрқув орасида сақладим. Дўст-душманни муросаю мадора мартабасида тутдим. Қилмишларини, айтган гапларини гоҳида сабр-тоқат, гоҳида билиб-билмасликка олиш билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан четда қолдирмадим. Давлатим ва салтанатим қуёши кўтарилиб келаётган вақтда менга илтижо қилиб келган яхши-ёмон одамлар, хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик қилган бўлсин, салтанат тахтига ўтирганимдан кейин уларни хайр-эҳсонларим билан хижолатга қўйдим. Ўзимни уларнинг ёмонликларини унутгандек тутиб, ёмон қилмишлари дафтари устига афв қаламини тортдим.

Учинчидан, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, синалган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

Тўртинчидан, очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

Шу пайтда пиримдан[3] хат келди. Улар: «Буюк зафарлар соҳиби Темурга, Оллоҳ уни ҳамиша қўлласин, маълум, бўлсинким, [унинг] салтанати корхонаси Тангри таоло корхонасининг бир [кичик] нусхасидирки, унда турли мансабдаги ходим ва хизматкорлар, ноиблар, эшик оғалари бордир, уларнинг ҳар бири мартабасига яраша ўз юмуши билан машғулдир, ҳеч бири ўз мартабасидан четга чиқмайди ва доимо Оллоҳнинг амрига мунтазир туради. Шундай экан, сен ҳамиша ҳушёр ва эҳтиёткор бўл, токи вазирлар, лашкарбошилар, амалдорлар, иш юритувчилар, сипоҳсолорлардан ҳеч бири ўз мартабаси чегарасидан чиқмасин ва доимо сенинг ҳукмингни кутиб туришсин. Ҳар тоифа ва ҳар қавмни ўз мартабаларида тутгинки, [бу билан] салтанатинг низомга келиб, давлат интизомга киргай. Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп халал ва зиён етгай. Демак, ҳар кимнинг қадр-қийматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

[Ҳазрати] Муҳаммад авлодидан бўлганларнинг мартабасини бошқалардан юқори кўтариб, уларнинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйгил. Уларга қанча кўп муҳаббат билдирсанг ҳам, уни исроф деб ўйлама, чунки қайси иш Худо йўлида бўлса, унда исроф йўқдир. Ўн икки тоифа билан давлатингга зийнат бериб, шулар билан салтанат қургил. Вассалом», деб ёзибдилар.

Пиримнинг ушбу мактуби менга етгач, унда буюрилган ҳар бир нарсани бажо келтирдим. Салтанатим ишларини тартиб-интизомга солиб, салтанатим мартабасига тўра ва тузук билан зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамладим.

(Давоми бор).

*1 **Аҳли байт** – Муҳаммад пайғамбар хонадонига мансуб, умуман эса, яқин кишилар тушунилади.*

*2 **Воқеалар дафтари** – подшоҳликда ҳар куни бўлиб турадиган воқеалар ёзиб борилган махсус дафтар; кундалик. Асар матнида « Дафтаре Вақоеъ». «Темур тузуклари» асари қатор Шарқ қўлёзмалари каталогларида «Вақоеъ», «Воқеот» деб ҳам номланган. «Бобурнома» асари ҳам кўпгина Шарқ қўлёзмалари каталогларида шу ном билан келтирилган.*

3 Мир Саййид Барака тахмин қилинади.

Интилганга толе ёр

АНИҚ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

БОЗОР ВА ХАРИДОР ТАЛАБИНИ ЧУҚУР ЎРГАНАЁТГАН, АНА ШУНГА КЎРА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЯЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР САФИНИНГ ОРТИШИ, АЛБАТТА, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Ўзларининг ўтган 10 йиллик фаолиятлари давомида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ижод-ижод» хусусий корхонасида ҳам изланиш ва интилишлар самара бериб, маҳсулот сифати, турлари ортиб бормоқда. Аввало ўз фаолиятларини юртимиздаги тарихий ва кўҳна обидаларни қайта таъмирлаш учун сопол мозаика маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаган жамоада кейинчалик тадбиркорлик билан иш юритиш натижасида йўналишлар ортиб борди. Улар нафақат сопол мозаика маҳсулотлари, балки ёғочга қайта ишлов бериш асосида тайёрланаётган ёғоч ўймакорлиги ашёларидан фойдаланган ҳолда республикамиз вилоятларидаги қадимий обидаларни таъмирлашда, шунинг баробарида шарқона урф-одатларимизга мос янги иншоотлар бунёдкорлигида фаоллик билан иштирок этишмоқда. Яқинда кенг нишонланган Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан таъмирланган ва бунёд этилган обидалар ва биноларда ҳам корхона усталарининг муносиб ҳиссаси бор.

Кейинги йилларда эса корхона цехларида нақшин керамика ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунинг баробарида аҳолининг эсдалик буюмларига ва рўзғор эҳтиёжларини ҳисобга олиб маҳаллий хом ашёдан чинни маҳсулотлари ҳам тайёрланмоқда.

— Чинни буюмлари ишлаб чиқариш цехида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Раҳмонов. — Аввалига бир неча турдаги чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб берган бўлсак, бугунга келиб моҳир дизайнер-рассомларимизнинг изланишлари ҳамда бозорни ўрганиш асосида 20 турдаги чиннилар тайёрланаяпти. Бу борада Мунира Усмонова, Людмила Бокуменко, Арофат Ваҳобова, Нодира Рамазонова сингари чиннисозларимизнинг маҳоратларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, чинни цехида тайёрланаётган эсдалик учун мўлжалланган вазалар бир-бирини такрорламаслиги, гул ва нақшларининг жилоси билан ажралиб туради. Айниқса, гуллари бўрттириб ишланган гулдонлар, «Сарой», «Пахта» деб номланган чинни термалари харидорларга манзур бўлмоқда.

Жорий йилни режадаги ишларни муваффақиятли бажариб якунлаётган корхона тадбиркорлари келгуси йилда амалга ошириладиган аниқ мақсадлари йўлида ҳам изланишмоқда. Ушбу изланишлар самараси эса Янги йилда ўз натижасини бериши, шубҳасиз.

Дилноза СОДИҚОВА

СУРАТЛАРДА: корхона чиннисозларининг меҳнатлари маҳсулот сифати ва кўринишида ёркин намоён бўлмоқда. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Бўш вақтингизда

АТРОФДАГИЛАР СИЗГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА?

Сиз тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳлайсиз. Ана шунинг саъй-ҳаракатида елиб-югуриб юрибсиз. Лекин ўзингизнинг хулқ-атворингизни тўла биласизми? Шуни унутмангки, хулқ-атворингиз, ташқи қиёфангиз, гапириш маромингизни, яъни муомалангиз кишиларда турлича таассурот қолдиради ва уларнинг муносабатлари ҳам, албатта шунга яраша бўлади. Одамларнинг сизга бўлган муносабатларини билмоқчи бўлсангиз, қуйидаги тест савóлларига аниқ жавоб беришингиз лозим.

1.Одамлар менинг нима деганимни эшитишмайди ва яна такрорлашимни сўрашади.

А)Ҳеч қачон (3);
Б)баъзида (2);
В) тез-тез (1).

2. Мен билан олдин учрашганлар исмимни эслай олишмайди. Лекин ўша пайтда атрофимда бўлганларнинг исмларини айтиб беришади.

А) Ҳеч қачон (3);
Б) баъзан (2);
В) бундай ходиса тез-тез бўлиб туради (1).

3.Умумий мулокотларда фирк-мулоҳазаларим ҳеч кимга қизиқ эмас, улар учун гўё йўқдайман.

А) Бу тез-тез такрорланади (1);
Б) баъзан бўлиб туради (2);
В) ҳеч қачон бундай бўлмаган (3).

4.Кийинишим, гапларим ва хулқ-атворим учун очиқчасига танқидга учрайман.

А) Баъзида (2);
Б) кўпроқ (1);
В) бундай бўлмаган (3).

5.Тасодифий танишлар исмим, турар ва иш жойимни тезда унутиб юборишади.

А) Ҳеч қачон (3);
Б) баъзан (2);
В) тез-тез (1).

6.Сотувчи ва официантлар мени жуда кеч пайқашиб, энг охирида хизмат кўрсатишади.

А) Баъзида шундай бўлади (2);
Б) ҳеч қачон бўлмайди (3);
В) тез-тез учраб туради (1).

7.Нотаниш одамлар билан учрашганда, ҳамроҳларим мени уларга таништиришни унутиб қўйишади.

А) Ҳеч қачон унутишмайди (3);
Б) кўпроқ шундай бўлади (1);
В) баъзида (2).

8.Жамоат жойларида бўлганимизда танишларим менинг хулқ-атворимдан камчилик топиб, уни ўзгартиришимни маслаҳат беришади.

А) Бундай ходиса тез-тез бўлиб туради (1);
Б) баъзида бўлади (2);
В) ҳеч қачон бўлмаган (3).

Энди ўзингиз тўплаган балларга бир нигоҳ ташлангда, уни қуйидаги натижаларга таққослаб кўринг:

14 БАЛЛГАЧА. Қандай хатоларга йўл қўйганингиз ва ўзингизга нисбатан ишонч, дадиллик уйғотиш ҳақида яхшироқ ўйлаб кўринг. Балки ўз услубингизни алмаштирсангиз фойдали бўлар.

14-17 БАЛЛ. Ўзингизга кўпроқ эътибор беришингиз лозим экан. Кўнгилсиз ҳодиса ва воқеалардан тўғри хулоса чиқаринг.

17 ВА УНДАН ЮҚОРИ БАЛЛ. Сиз ҳеч нарсадан ташвишланманг. Атрофингиздагиларга сизнинг феъл-атворингиз жуда маъқул ва уни жуда яхши қабул қилишади.

Сўранг, жавоб берамиз

КИЧИК КОРХОНА ОЧМОҚЧИМАН

КИЧИК КОРХОНА ОЧИШ ҲАРАКАТИДАМАН. ЭШИТИШИМЧА, ФАОЛИЯТИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАНИМДАН КЕЙИН, ЯЪНИ РЎЙХАТДАН ЎТГАНИМДАН БОШЛАБ КОРХОНАМДА РЕЖА АСОСИДА ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИЛМАС ЭКАН. ШУ ТЎҒРИМИ?

Одилбек БЕКНАЗАРОВ, Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида қуйидагилар белгилаб берилган:

микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади:

янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди.

Қарорнинг 2-бандида яна шу нарса қатъий кўрсатиб ўтилганки, агарда назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Ўз-ўзи ўргатиш даҳо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

« ФАВОЙИДИ УБАЙДИЙЯ» ЁХУД «ШАБИСТОН» ЁҒДУСИ

ОДОБ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

Эй ўғлим! Аввало одоб ўрган, донолар одоб олтиндан қиммат деганлар. «Одоб»нинг бошу оёғига қара, «об» борлигини кўрасан. «Об» бу — сув дегани. Уни «обрў» билан таққосла, «обрў» форс-тожик тилида «юзнинг суви» дегани. Демак ҳар кимда одоб бўлмаса, демак унда «юз суви», яъни обрў бўлмайди.

Кеча-кундуз ўқи китоб дарсини,
Бироқ аввал ўқи одоб дарсини.
Оламнинг яшнаши офтобга боғлиқ,
Одамнинг яшнаши одобга боғлиқ.
Олам хароб бўлар офтоб бўлмаса,
Одам хароб бўлар одоб бўлмаса.

«Одоб»нинг вужудида «обо» борлигига эътибор қил. «Обо» дегани араб тилида ота-боболар дегани. Демак сенга ота-боболарнинг яхши хислатлари ёр бўлмоғи керак.«Одоб»ни унутсанг, «обо»ларингни унутган ва уларнинг шаънига доғ туширган бўласан.

Ҳар кимнинг бўлганда кўркам одоби,
Одоби йўл узра бўлар офтоби.
Ҳар кимда одоб йўқ, унда жон йўқдир,
Маъдан топай дейди, аммо кон йўқдир.
Одобли кишининг бўлмас ташвиши,
Одобсиз кишини севмас ҳеч киши.

«Одоб» бағридаги «бод»дан қўрқинки, «бод» бу шамолдир. Одам одобни мисқоллаб йиғади, бироқ уни бир лаҳзада «бод»га бериши мумкин. «Обрўйини бодга берибди» деган нақл шундан қолган.

Одоб ўрган, умринг хароб бўлмасин,
Бу дунё деганинг сароб бўлмасин.

Одобли «одам» «омад»ли ва бахтли бўлади, одоб унинг учун тождир , у мазкур тож билан қайга борса, одамлар унинг «тизза»сини ерга тегизмай, «иззат» тахтига ўтқизадилар. «Бахт» билан «тахт»ни таққосла, бир-бирига қандай яқин, агар одоб «тахт»ига эга бўлсанг, бу «тахт»дан яна янги «тахт» чиқаверади.

Журъат одам учун тахтни келтирар,
Адаб одам учун бахтни келтирар.
Одоб одам учун бамисоли тож,
Одобдан ишлари олади ривож.

Одоб олтиндир, бу олтин олдида дунё олтини ҳеч гап эмас. Дунё олтини, қанча олган саринг, яна «ол» деяверади ва сени ўтдан - чўққа уради. Одоб олтини эса, ўзингни қийнама, «тин ол», дейди. Одоб олтини бахт сари етаклайди, дунё олтини сароб томон судрайди. «Дунё» сўзига боқ, бошида «дун» турса, юрагида «ун» турибди. «Дун» араб тилида «паст» дегани, «ун» эса оҳ ва ноладир. Демак дунёнинг паст олтинига учган одам ғамдан нола чекади.

Одобсиз ҳеч қачон бахтиёр бўлмас,
Бахтга ёр бўлай дер, бахти ёр бўлмас.
Беадаб ҳаёти сароб бўлади,
Кулфатдан бир куни хароб бўлади.

КИТОБ ВА УНИНГ ФОЙДАЛАРИ ҲАҚИДА

Эй ўғил! Китоб сенинг энг севган «йўлдош»инг бўлсинки, у «шод»ликка элтувчи «йўл»лардан олиб бориб, ҳақиқий бахтга «йўлдош» этади.

Китобга юз қўйсанг, ақл беради,
Ибратли ҳикмату нақл беради.
Кўплар китоб ўқиб, доно бўлдилар,
Қалбу онги тўла маъно бўлдилар.
Китобда салафлар ақли мавжуддир,
Илмлар ҳақида нақли мавжуддир.
Улуғ нур таъсири офтобда мавжуд,
Кўҳна тарих сири китобда мавжуд.

Қара, бу ҳақда Муҳаммад Жабалрудий ўзининг «Жомиъ ут-тамсил» китобида нималарни ёзибди:

«Эй азиз, киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқлардан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бор-у на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди ва юрагини сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксари одамлар суҳбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилади. Унинг учун ҳам, китоб «ақл қалъасидир» деганлар. Китоб олимлар фикрининг паноҳгоҳи, доно кишилар бўстонининг чамани, оддий кишиларнинг томошагоҳидир. У кимсасиз кишиларга дил очувчи боғ, кўнгли шикасталарга раҳнамодир. У барча ерда барча билан ошно, дардли кишилар дилига даводир».

«Китоб» сўзининг вужудига боқ, у ўзида тоб, бот, от, тиб, итоб, об, отиб, ток ва котиб каби сўзларни яширган. Демак у китоб ўқимайдиган одамга «итоб» қилиб, китоб ўқишни «бот-бот» тавсия этади. Китоб ақлни «тоб»лайди ва дангасаликни ўзингдан «от» дейди. У ўзидаги «тиб» даволари билан дилдаги дардларни ташқарига «отиб», илму ҳикмат «об»и (суви) билан кўнгилни мусаффо қилади. Китоб сенга «котиб»лик қилиб, қимматли фикрларингни ёзиб олиб, асрларга етказади, дарду ҳасратларингни ўзида сақлайди.

Нурга ташна бўлсанг, офтобга юзлан,
Дурга ташна бўлсанг, китобга юзлан.
Китобким, тилларда номи китобдир,
Аслида эл учун нурли офтобдир.
Китобким, тарихни баён қилади,
Яширин сирларни аён қилади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ
тайёрлаган

Қутлаймиз!

Қадрли ва севимли бувижоним Малика Ешчонова ва меҳрибон буважоним Янгибой Сабуров! Сизларни муборак 60 ёшингиз билан табриклайман. Сизларга узоқ умр ва бардамлик тилайман.

Набирангиз Бобурбек Янгибоев

ИНДОНЕЗИЯНИ ЧОЙХЎРЛАР ҲАМ ЯХШИ БИЛИШАДИ

Гарчи чойнинг Ватани Хитой бўлса-да, дунёнинг кўпгина халқлари уни ўзининг «жонажон» ичимлигидек билишади. Японлар, инглизлар, ҳиндлар, қолаверса, ўзбеклар ҳам мўъжизавий тарзда ажойиб хушбўй ва тетиклаштирувчи ичимликка айланадиган бу ўсимликка меҳр қўйгани барчага маълум. Жаҳон чой саноатида етакчи ўринларни эгаллаб турган мамлакатлар сафида Индонезия ҳам бор. Мамлакатнинг баланд тоғликларидаги вулқонли тупроқ ва юқори даражадаги нам иқлим чой дарахтларининг йил давомида ўсиши учун жуда қулай шароитни яратади.

Чой ишлаб чиқариладиган асосий ҳудудлар Индонезиянинг икки йирик ороли — Ява ва Суматрада жойлашган. 1684 йили Явада Хитойдан келтирилган илк чой кўчатлари ўтқазилган. Голландияликларнинг ўз мустамлакалари бўлган Голландия Ҳиндистони (улар ўша вақтларда Индонезияни ана шундай аташарди) ҳудудида чой плантацияларини ташкил этиш учун бўлган бир ярим асрлик уринишлари беҳуда кетди.

Манбааларда ёзилишича, 1835 йили айнан Ява оролидан, яъни Хитойдан ташқарида етиштирилган чой биринчи бор Европага келтирилган. XX аср охирларига келиб, голландияликлар ассам кўчатларидан фойдаланган холда чойни саноат йўли билан етиштиришни йўлга қўйишга муваффақ бўлди.

Жакартада ҳар ҳафта чой кимошди савдоси ўтказилади. Ҳар йили 150 минг тоннага яқин Индонезия қора чойи хорижга экспорт қилинади. Кўк чой эса, асосан, ички истеъмол учун ишлатилади. У нисбатан кейинроқ, 1988 йилдан ишлаб чиқарила бошланган. Таомилга кўра, кўк чой ясмин гуллари билан аралаштирилиб, хушбўй холда истеъмол қилинади.

Индонезия қора чойи Голландия, АҚШ, Буюк Британия, Австралия ва бошқа кўплаб мамлакатларга етказиб берилади.

Сўнгги 10 йиллик мобайнида бу соҳадаги ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва кенгайтириш борасида талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, плантациялар бошқаруви йўлга қўйилди, агротехника такомиллаштирилди, чой ўсимлигининг энг яхши навлари жорий этилди ва фабрикалар қайта жиҳозланди.

XX аср охирига келиб, Индонезияда 16 та чой қадоқлаш фабрикаси фаолият кўрсатган. Улар Ява, Суматрадаги йирик плантациялар ва Сулавесидаги илк плантацияларга хизмат кўрсатишган. Явадаги плантациялар 34 минг акрга яқин, Суматра ва бошқа ороллардагилари эса 147 минг акрдан зиёд ер майдонини эгаллайди.

Индонезия чойи жаҳон бозорида катта нуфузга эга, чунки унинг ажойиб, оч рангдаги дамламаси ва ёқимли, енгилгина тахир таъми бор. Айрим навлар Медана ва Богора фабрикаларидан «Гунунг мае» ёрлиқлари остида жаҳон бозорига чиқарилади.

Шуҳрат УМИРОВ
тайёрлади

УНИВЕРСИТЕТДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ФАКУЛЬТЕТЛАРИНИНГ 400 ДАН ЗИЁД 1-2-БОСҚИЧ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ЁШЛАР МАРКАЗИ ВОЛОНТЁРЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА САЛОМАТЛИК ИНСТИТУТИ ХОДИМЛАРИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКДА БУТУНЖАҲОН ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИГА БАҒИШЛАБ «ЁШЛАР ОИТСГА ҚАРШИ!» МАВЗУСИДА ТАДБИР УЮШТИРИШДИ.

Мазкур маърифий тадбирда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши Ёшлар маркази раҳбари М.Якубова, кўнгилли аъзолардан Марина Сальникова ва Анастасия Зайцева, республика Саломатлик институтининг соғлом турмуш тарзи тарғиботи бўйича бош мутахассиси Ёри Жўраевлар ёшларга ОИТС ҳақида янги маълумотларни берган ҳолда, талабалар орасида интерактив усулида савол-жавоблар ўтказдилар. Шунингдек, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи, ҳозирги кунда кенг тарқалаётган гиёвандликнинг олдини олиш борасида чиқишлар бўлди.

Барча тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши Ёшлар маркази томонидан ОИТСнинг олдини олишга оид турли буклет ва қўлланмалар тарқатилди. Бундан ташқари жамиятнинг Тошкент шаҳар Кенгаши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кутубхонасига «ОИТС профилактикаси бўйича тренерларни тайёрлаш модули» китобини тақдим этди.

Тадбир барча талабаларда чуқур таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиз)

Саломатлик

ҚАМҚОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

АҲОЛИ ОРАСИДА УЧРАЙДИГАН ҚАМҚОНЛИК КАСАЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИНИ (ТАХМИНАН 98 ФОИЗ) ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ ҚАМҚОНЛИГИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Статистик маълумотларга қараганда, темир танқислиги касаллигининг ривожланган мамлакатларда тарқалиши 5 фоиздан 20 фоизгача миқдорни ташкил этади.

Масалан, камқонлик АҚШда ҳомиладор аёллар ўртасида 5 фоизни, Японияда 8 фоизни ташкил қилса, ривожланаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич ҳатто 80 фоизгача етади.

Олимлар темир танқислигида бош мия тизимига кислород етишмаслиги натижасида болаларда ўқиш қобилияти пасайишини аниқ далиллар асосида кузатишган.

Шундай бўлса-да, нима учун бу касалликка нисбатан бефарқлик ҳамон давом этмоқда. Нима сабабдан касалликнинг олдини олиш масалалари хусусида чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз қабилидаги ўринли саволларнинг туғилиши табиий.

Аслини олганда лоқайдлигимиз бунга сабабдир. Ҳа, халқимизга хос бўлган бир одат бор, яъни касал бўлсак ҳам танамизда оғриқ пайдо бўлмагунча шифокор ҳузурига бормаймиз. Бунинг натижасида эса бир қанча салбий оқибатлар келиб чиқишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Юртимизда бу касалликка қарши кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда. Турли хил дастурлар ишлаб чиқилди, ҳаттоки кўрик-танлов ҳам эълон қилинди. Энг муҳими, мамлакатимизда темир моддаси билан бойитилган унлар чиқарилмоқда.

Камқонлик касаллигининг инсон ҳаётида, айниқса ҳомиладор аёллар учун нақадар хавфли эканлиги ОАВ орқали доимий равишда кўрсатувлар асосида намойиш этилиши, газета ва журналларда мақолалар чоп этилиши зарур деб ўйлаймиз. Шунда беморлар сони камайиб, соғлом кишилар сафи ортиб боради.

Соғлиқни ҳеч нарса эвазига сотиб олиб бўлмайди. Оллоҳ томонидан инъом этилган энг олий неъматлардан бири бўлган соғлиғингизни асранг, азизлар.

Лола БОБАКАЛОНОВА

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

ОЛОВДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНМАСЛИК ЖИДДИЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ ЯХШИ МАЪЛУМ. ШАҲРИМИЗДА ШУ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 10 ОЙИ ДАВОМИДА 1362 ТА ЁНҒИН СОДИР БЎЛГАН, УЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН МОДДИЙ ЗАРАР МИҚДОРИ 12095079 СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТГАН.

Ушбу ёнғинларда 35 нафар инсон ҳалок бўлган ва 37 нафари жиддий тан жароҳати олган. 548 та хонадонда юз берган фалокатлар — болаларнинг назоратсиз қолдирилганлиги, носоз электр симларини ишлатиш, газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиққан. Аксарият ҳолларда ёнғинларнинг ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигига гувоҳмиз. Ёнғин эса нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини, балки кўплаб инсонлар ҳаётини, соғлиғини, ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун маҳалла фаолларини, хонадон эгаларини, фарзандларимизни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишга чақириб қоламиз.

Баҳодир ШОЮНУСОВ,
12-ХЁХО инспектори, катта лейтенант,
Тоҳир ФАЙЗУЛЛАЕВ,
сафдор

Футбол

ЎН ТЎРТ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

КУНИ КЕЧА ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ (ФИФА) ТЕРМА ЖАМОАЛАРНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Шуниси қувонарлики, аввалги рейтинг рўйхатида 50-ўринга лойиқ кўрилган Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионатига саралаш турнири гуруҳ баҳсларида қатарликлар устидан қозонилган ғалабадан сўнг 36-ўринни эгаллади. Рейтинг рўйхатида 14 поғона юқорилаган терма жамоамиз МДҲ давлатлари орасида Украина ва Россиядан сўнг учинчи поғонани эгаллаб турибди.

Рейтинг рўйхатида кучли учликдан Бразилия, Италия, Аргентина терма жамоалари ўрин эгаллашган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ва директор ўринбосари лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
I	**Директорликка**	
1	Миробод қурилиш касб-ҳунар коллежи	Миробод тумани, Астрахон кўчаси 2-уй
2	Юнусобод машинасозлик касб-ҳуна рколлежи	Юнусобод тумани, 14-мавзе
II	**Директор ўринбосарлигига**	
1	Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежи	Ҳамза тумани, Слоним-113-уй
2	Миробод транспорт касб-ҳунар колежи	Миробод тумани, Азиз Қодиров кўчаси, 12-уй
3	Тошкент иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Ўқчи кўчаси 73
4	Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, 14-мавзе
5	Тошкент гидрометеорология касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Қобулов 45-уй
6	Тошкент саноат касб-ҳунар коллежи	М.Улуғбек тумани, массив Яланғоч
7	Тошкент менежмент ва технологиялари коллежи	Самарқанд дарвоза кўчаси, 60-уй
8	Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей	Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси
9	Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги С.Раҳимов академик лицей	С.Раҳимов тумани, О.Бобожонов кўчаси, 20-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар тизимида педагог иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2.Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3.Сўровнома (справка-объективка);
4.Таржимаи хол;
5.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
6.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
9.Паспорт (нусхаси):
10.Тавсифнома.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй, 6-қават:
Телефонлар: 136-0501, 133-80-34.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбектелеком» АКнинг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали телефонлар ўрнатишни расмийлаштириш учун қуйидаги манзилларда яшовчи аҳолини таклиф этади:

— Қорақамиш 2/1 даҳаси 7, 8, 9, 11, 12, 13, 14а, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24а, 30-уйларда яшовчи Собир Раҳимов тумани аҳолисини;

— 2006 йил 25 ноябрга қадар ариза берган ва Ғафур Ғулом даҳаси, 1, 1а, 1б, 2, 2а, 2б, 3, 3а, 4, 5, 5а, 6,7, 7 а, 7б уйларда яшовчи Собир Раҳимов тумани аҳолисини.

Телефонларни ўрнатишни расмийлаштириш жараёни қуйидаги манзил: Ўрозбоев кўчаси, 21. 391 (29)-АТСда жойлашган Собир Раҳимов телефон узелининг «Маркетинг ва мижозлар билан ишлаш бўлими»да амалга оширилади.

Телефонни ўрнатиш билан бир вақтда Сиз АОН, парол бўйича халқаро алоқа, чақириқни бошқа манзилга ўтказиш, будильник ва бошқа қўшимча хизмат турларига ҳам эга бўлишингиз мумкин.

Маълумотлар учун телефон: 393-86-46.

Маъмурият

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ

Шуни билдирадики, темир йўл транспорти орқали юклар ташилганда юкларни жўнатувчиларга кўрсатиладиган хизматлар сервисини яхшилаш мақсадида юкларни ташиш учун режаларни расмийлаштириш учун юк жўнатувчилардан талабномаларни қабул қилиш Тошкент, Кўқон, Бухоро, Қарши, Қўнғирот минтақавий темир йўл тармоқлари, шунингдек, компаниянинг юк ва тижорат ишлари бошқармаси қошидаги ташишлар маркетинги бўлими томонидан дам олиш кунларисиз ҳар куни:

— Иш кунлари соат 9:00дан 20.00гача;

— Шанба ва якшанба кунлари соат 9.00 дан 15.00 иш режими тартибида амалга оширилади.

Маълумотлар учун телефонлар: 138-80-73, 138-80-87, 138-85-02.

5 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Бугундан бошлаб Сатурн сайёраси то 2007 йил апрелигача ретроград ҳолатида, яъни Ердан қаралганда гўё орқага қараб ҳаракат қилаётгандай ҳолатда бўлади. Бу даврни мунажжимлар чекланишлар ва мажбурий яккаланиб қолиш даври деб тавсифлашади. Лекин бу – улар фикрича, инсон риоя этиб келадиган қадриятлар тизимини таҳлил қилиш, қатъий ҳаётий қарашлар ва мақсадларни ишлаб чиқиш учун қулай фурсат ҳамдир.

Мунажжим башорати

ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУРАККАБЛИКЛАР ЙЎҚ

Бугунга келсак, мунажжимлар, ҳеч қандай мураккабликлар ва зиддиятлар йўқ, дея гувоҳлик беришади. Ташқаридаги майда-чуйда нохушликларга эътибор бермай, ҳеч нарсага чалғимай, ҳозир ечимини талаб этиб турган вазифаларни ҳал қилиш керак бўлади.

Шу куни битимлар тузиш хайрли бўлиши кутилади. Шу бугунги кунга биз яқин ярим йил давомида таянадиган асосий қадриятлар тизими таркиб топади. Бугун одам ўз хирсини жиловлаши керак, шунда у покликни сақлаб қолади. Бу эса унинг келажаги учун муҳимдир.

Ҳар қандай бахс-мунозаралар учун, долзарблигини тез йўқотувчи ишлар учун бугунги кун ҳайрли келади. Ҳозир экиш мумкин бўлган экинлар учун ҳам самарали кун ҳисобланади. Қурилиш ишларини бошлаш, қарз олиш учун бугунги кун тўғри келмайди.

Тасодифан тирноқни синдириб қўйиш кутилмаган касалликдан огоҳлантириш ҳисобланади. Электр лампанинг куйиб қолиши, чироқнинг ўчиши ҳам худди шу хабарни билдиради. Устингизга парранда патининг тушиши – яхши хабар олишингизга ишора.

Газетанинг навбатдаги сони 6 декабрда чиқади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1407

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2174 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6